



# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG'OT TUMANI HOKIMINING QARORI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021 -yil 28 -yil 6-iyul

91 u -son

Bog'ot shaharchasi

Фуқаро Ражабов Самандар  
Тиллаевичнинг тураг жой биносига  
бўлган эгалик хукуқини белгилаб  
бериш тўғрисида

Боғот тумани “Гулшан” маҳалласида яшовчи фуқаро Ражабов Самандар Тиллаевичнинг “Гулшан” маҳалласида жойлашган тураг жой биносига бўлган эгалик хукуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 23 ноябрдаги ХО-Р-3320-сонли аризасини, “Гулшан” маҳалласи фуқаролар йигинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 19 ноябрдаги 3995-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва тураг жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

## ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Боғот тумани “Гулшан” маҳалласида жойлашган 16 (үн олти) та хонадан иборат, яшаш хоналари 7 (етти)та бўлиб, ички ўлчами 142,20 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 9 (тўққиз)та бўлиб, ички ўлчами 214,27 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 356,47 квадрат метр, қурилиш ости майдони 493,62 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,16 квадрат метр ушбу тураг жой биносига нисбатан фуқаро Ражабов Самандар Тиллаевичга мулк хукуки асосида унга эгалик хукуки белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Ражабов Самандар Тиллаевичга ушбу тураг жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш хукуки тўхтатилиши тўғрисида огохлантирилсин.

3. Фуқаро Ражабов Самандар Тиллаевичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

• **Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи**



**Ш.Яхшибаев**